2010 йил 2 декабрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 232 (11.793)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 23 мартда қабул қилинган «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

Қарор ва ижро

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Қабул қилинган ушбу ҳужжат корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини, ички ялпи маҳсулотда саноат улушини кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятида бу борада белгиланган вазифалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан фойдаланиш – материал ресурсларини қайта ишлаб чиқариш усулларидан бири бўлиб, бу мамлакатимиз иқтисодиётининг хомашё базасини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий фаровонлиги барқарорлигини ошириш, хомашё, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурслари йўқотилишини камайтириш учун шароит яратмоқда.

Айни пайтда завод рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлаш бўйича замонавий ихтисослашган корхона ҳисобланади. Заводнинг мамлакатимиз барча ҳудудларида тайёрлов филиаллари ташкил этилгани, шунингдек, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини пирометаллургик қайта ишлаш бўйича кўп тоннали механизациялашган комплекснинг мавжудлиги иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини юқори сифатли иккиламчи рангли металл қотишмалари билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш имконини бермоқда.

Таъкидлаш керакки, завод рангли металл қотишмаларининг кимёвий таркибини аниқлаш, рангли металлардан буюмлар тайёрлаш учун техник шароитлар яратиш каби турли хизматларни ҳам кўрсатмоқда.

Корхона йилига 18,5 минг тонна алюминий қотишмалари, 900 тонна мис қотишмаларини ишлаб чиқариш, 8 минг тонна ишлатилган аккумулятор батареяларини қайта ишлаш қувватига эга. Шунингдек, заводда халқ истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

– Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш, тайёрланадиган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш ва тармоқлараро кооперация алоқаларидан фойдаланиш ҳисобидан йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводининг ижрочи директори Икром Бобохонов. – Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш асосида 11 турдаги мис қотишмасини ишлаб чиқаряпмиз.

Заводнинг жорий йилги фаолиятининг кутилаётган якунлари ҳақида сўз борганда, унинг асосий кўрсаткичлари бўйича ўсиш суръатлари кузатилаётганини қайд этиш зарур. Хусусан, қиймати 13 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ҳажмини камида 6,5 фоизга оширилиши кутилмоқда. Жорий йил охиригача экспорт ҳажми 5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Заводда бундай юқори кўрсаткичларга ишлаб чиқаришни мунтазам техник ва технологик қайта жиҳозлаш туфайли эришилмоқда.

Масалан, корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан мис қотишмалари ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Рангли металларнинг кимёвий таркибини аниқлаш лабораториясига эга комплексда Германиянинг "Индуктотерм" индукцион тигель печи ўрнатилди. Япония ҳукуматининг грант маблағи эвазига алюминий ва мис гуруҳига кирадиган металл парчалари ҳамда чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича технологик линияни жорий қилиш лойиҳаси амалга оширилди. Ишлатилган қўрғошин аккумулятор батареяларига ишлов бериш ускуналари харид қилиниб, ишга туширилди. Шу тариқа, сўнгги бир неча йил давомида корхонанинг деярли барча ишлаб чиқариш қувватлари янги қайта ишлаш ва металлургия асбоб-ускуналари билан алмаштирилди.

(Давоми 2-бетда)

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Бу аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада кучайишига хизмат қилади.**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий "Ёш ҳуқуқшунослар" кўрик-танлови ҳам ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган танловда ҳуқуқшуносликка ихтисослашган юридик коллеж ва академик лицейлар жамоалари ўзаро беллашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишнинг самарали тизими йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлади. Баркамол авлод йили муносабати билан бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди, янги қонунлар қабул қилинди, амалдаги айрим меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Кўрик-танловда Наманган юридик коллежи жамоаси бош совринни қўлга киритди. Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежи ва Тошкент юридик коллежи жамоалари биринчи, 2-Тошкент юридик коллежи ва Бухоро юридик ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи жамоалари иккинчи, Жиззах юридик коллежи жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди.

(ЎзА)

## ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ САМАРАСИ

**Юртимизда солиққа оид муносабатларнинг ахборот тизимлари ва ресурслари яратилгани соҳа ривожига кенг йўл очмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 15 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.**

Ушбу ҳужжат асосида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилди, уларни электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилди. Бу эса ортиқча вақт ва харажатни тежайди, ҳисоботларни тизимли назорат қилиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси эртага – 2010 йил 3 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани ҳокимлиги томонидан Маънавият тарғибот маркази бўлими билан ҳамкорликда кеча ташкил этилган давра суҳбатида ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ва мутахассислар соғлом турмуш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза алмашишди.

✓ **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек ахборот технологиялари коллежида туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Соғлом ва бахтли ҳаёт сари бирдамлик» шиори остида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 85 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилади.

✓ **КЕЧА** «Зеб ичра зийнат» санъат марказида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болажонлар учун хайрия тадбири ўтказилди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Асаларичилик: норматив-ҳуқуқий асослар ва унинг ривожланиш истиқболлари» мавзуига бағишланди.**
- **Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2010» республика танлови бўлиб ўтди. Танловнинг якунловчи босқичида 49 та ўқув адабиётлари ва уларнинг муаллифлари ғолиб бўлди.**
- **Ўрта Чирчиқ туманида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, республика Маънавият тарғибот маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида ўтказилаётган «Менинг маҳаллам тарихи» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ўқув марказида ташкил этилган семинар-тренинг «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ёритишда ОАВнинг ўрни» мавзуига бағишланди.**
- **Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда Халқаро таълим ташкилотининг Осиё-Тинч океани минтақавий идораси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида «Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг роли» мавзуида ўтказилаётган ҳудудий семинарнинг дастлабкиси Фарғона шаҳрида ташкил этилди.**
- **Нукусда Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган 85 нафар қиз фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз билим ва иқтидорларини намойиш этди.**
- **Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани марказий шифохонаси ҳудудида қабул қилиш ва ташхис қўйиш бўлими учун замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уни тиклаш ва жиҳозлаш учун давлат бюджетидан 381 миллион сўм сарфланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Эстонияда 1 декабрдан евро пул бирлигига ўтиш кампанияси бошланди. Янги валютага ўтиш ҳақидаги қонунга кўра, 1 январдан бошлаб евро Эстониянинг расмий пул бирлиги ҳисобланади. Шунингдек, янги йилнинг дастлабки икки ҳафтасида тўлов операцияларини аввалги пул бирлиги — крона билан ҳам амалга ошириш мумкин. Эстония Еврохудудга кирувчи илк Болтиқ бўйи давлати ҳисобланади.**
- **Россияда 2011 йилдан бошлаб бозорларда савдо қилиш учун хорижий фуқароларни ёллаш тақиқланади.**
- **Кеча 50 минг нафарга яқин талаба Италия пойтахти Рим шаҳрининг марказий кўчаларида намойиш ўтказди. Улар ҳукуматнинг олий ўқув юртларини молиялаштиришни қисқартириш тўғрисидаги қарорига нисбатан шундай қилишди.**
- **«Йейна» ва «Ханни» довуллари туфайли Германиянинг шарқий ва жанубий ҳудудларида кун совиб, қор бўронлари бошланди. Натижада автомобиль йўлларида транспорт ҳаракати издан чиқди. Айрим ерларда қорнинг қалинлиги ярим метрга етди. Вазият айниқса, Бавария ва Саксонияда мураккаб бўлиб турибди.**
- **Бугун кучли совуқ ва қалин қор туфайли Париж ва Лондон шаҳарлари ўртасида қатновчи «Евростар» тезюрар поездларнинг қатнови ҳам 50 фоизга қисқартирилди.**
- **Бугун Швейцариянинг Цюрих шаҳрида футбол бўйича 2018 ва 2022 йиллардаги жаҳон чемпионатлари мезбонларининг номлари аниқланади. Мутахассисларнинг фикрича Англия, Испания ва Португалия 2018 йилда, АҚШ эса 2022 йилда чемпионатларни қабул қилиш борасида кўпроқ имкониятларга эга.**
- **АҚШнинг Атланта шаҳридаги Хадсфильд-Жексон халқаро аэропортида электр қуввати таъминоти билан боғлиқ юзага келган муаммо туфайли 20 дан ортиқ рейслар бекор қилинди ва ўнлаб парвозлар кечиктирилди.**

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Завод мутахассисларининг айтишича, "Индуктотерм" индукцион тигель печининг ўрнатилиши ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш, бунинг учун сарфланадиган вақтни тежаш, мисни заводнинг ўзида қайта ишлаш ҳамда янги турдаги қотишма турларини тайёрлаш имконини берди. Янги майдалаш ускунаси чиқиндилар қайта ишлангандан сўнг рангли металл парчалари, темир ва чиқиндиларни алоҳида-алоҳида саралайди. Бу ишлаб чиқаришда йўқотишларни анча камайтириш ва тоза металлни қайта ишлашга жўнатиш имконини бермоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, завод мамлакатимизнинг бошқа турли корхоналари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш бўйича сатареялари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мазкур завод аккумулятор ишлаб чиқариш учун АЛ 1-2 туридаги қўрғошин парчаларини етказиб бермоқда. Чунончи, 2009 йилда 720 миллион сўмлик қўрғошин парчалари етказиб берилган бўлса, жорий йил охиригача бу кўрсаткич 3 миллиард сўмга етиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, бу ерда "GM-Ўзбекистон" қўшма корхонаси автомобилларининг генератори, мотори ва радиатори учун кронштейнлар, ойна кўтаргич деталлар каби етти турдаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилмоқда.

Айни пайтда "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш жараёнига кичик бизнес субъектларини ҳам жалб қилмоқда. "Мультиметалл" ва "Титан ММК" кичик корхоналари билан ҳамкорликда мис ва алюминий қотишмаларини ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш ҳамда "GM-Ўзбекистон" қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, технологик ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Корхонада ISO 14001 стандарти бўйича атроф-муҳитни бошқариш (экологик менежмент) ва OHSAS 18001 стандарти бўйича саноат хавфсизлигини бошқариш борасида менежмент тизимини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда ISO 9001-2000 халқаро сифат стандарти бўйича халқаро сифат тизимига мувофиқ сифат менежменти тизимини сертификатлаш аудити ўтказилди ва унинг натижасига кўра сертификат олинди. Бу, ўз навбатида, корхонага буюртмачиларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини кафолатлаш ва уларни сотиш бозорларини кенгайтириш имконини берди.

марали ишларни бажармоқда.

Жумладан, завод Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва "Ўзкабель" очиқ акциядорлик жамиятлари билан биргаликда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини иш билан таъминлаш ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан тозаланган мис ишлаб чиқармоқда ва қайта ишламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 декабрда қабул қилинган "Ўзэксайд" ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасида аккумулятор ба-

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида босма оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини ошириш масалалари» мавзусида конференция ўтказилди.**

Долзарб мавзу

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА МАТБУОТНИНГ ЎРНИ

Анжуман давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси доирасида ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари, журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Мамлакатимиз Президенти маърузасида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ғоят катта эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада илгари сурилган ғоялар, амалий тавсиялар матбуот эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашда, ОАВнинг фуқаролик институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини демократлаштириш, уларнинг молиявий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш, Интернет-журналистикасини ривожлантириш, жойларда малакали журналистлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Бугунги кунда республикамизда мингга яқин босма ОАВ, жумладан 700 га яқин газета ва 240 та журнал, тўртта ахборот агентлиги фаолият юритади. Соҳада етук мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид амалга оширилаётган дастур ўқув жараёнларини яхшилаш, журналистика факультети техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ўз веб-сайтларига эга бўлиб, янгилик етказиб берувчи миллий интернет порталлари тизими ҳам кенгайиб бормоқда. Кейинги пайтда идора ва ташкилотлар томонидан веб-сайтлар орқали интерфаол хизматлар кўрсатиш 2,8 мартага кўпайиб, интернетдан фойдаланувчилар сони олти миллиондан ошди.

Конференцияда ОАВ фаолияти ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда матбуотнинг ролини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек анжуман доирасида «Босма ОАВларида фаолият юритаётган журналистларнинг республика етакчи таҳририятларида малака ошириш» лойиҳасининг якуний босқичи натижалари ҳам эълон қилинди. Лойиҳада фаол иштирок этган вилоят, туман, шаҳар матбуотида фаолият юритаётган журналистларга лойиҳа ташкилотчилари томонидан диплом ва совғалар топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

# ОИЛА — МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН

**Юртимизда соғлом авлодни камолга етказиш борасида кенг кўламда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ бўлмоқда.**

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар ва туман таянч масканлари томонидан ўтказилаётган кўплаб тадбирлар ҳам ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишида, уларнинг қалбида она Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги, «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилаётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

«Оила – мустаҳкам қўрғон» – ушбу шиор остида жамғарма ташаббуси билан Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўтказилган давра суҳбатида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмушни шакллантириш, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни камолга етказиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Иштирокчилар эътиборига мавзуга доир видеоролик ҳам намойиш этилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

# ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**Кейинги йилларда ўзбек киноси ўзига хос тарзда чўққиларни забт этишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса ёш ижодкорлар томонидан суратга олинаётган қатор фильмлар нафақат республикамиз миқёсида, балки чет мамлакатларда ҳам муваффақият қозониб, олқишларга сазовор бўлмоқда. Албатта, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, савияси пастроқ, миллийлигимизга хос бўлмаган баъзи фильмлар ҳам борки, буни инкор этмоқчи эмасмиз.**

Шундай бўлсада, муҳими – ўзбек кино санъати илдам қадамлар билан ривожланмоқда. Тўғри, баъзида бош роллар фақат машҳур қўшиқчилар ёки кино санъатидан хабари йўқ ёшларга берилиб, бозорбоп фильмлар ҳам суратга олинмоқдаки, у ўз доирасидан чиқиб, инсонлар қалбида муҳим бир из қолдиришга қодир эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, ўзбек киносида ўсиш бор ва биз бундан қувонмоғимиз лозим.

Яқинда дам олиш кунларидан бирида қизларим билан «Бурилиш» фильмини томоша қилишга бордик. Эътиборлиси, мазкур кинолентада биронта ҳам аёл образи талқин қилинмаган бўлсада, бироқ фильм ўзига хос тарзда юқори савияда ишланган.

Ёш ижодкор Равшан Норбоев томонидан суратга олинган ушбу фильмда тўртта қадрдон дўст ва уларнинг ҳаёти, бирининг уйланиши шарофати билан тоғда дам олишга чиқишлари ва йўлдаги кутилмаган воқеалар содда, самимий ва ишонарли қилиб тасвирланганки, беихтиёр ўша воқеаларда ўзингиз иштирок этаётгандай бўласиз.

Дўстлик қадри баланд, муқаддас тушунча. Уни ўз ҳолича гард юқтирмай, асрай олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Равшан Норбоев фильм сценарийсини ўзи ёзган. Жиззах вилоятининг Фориш тоғлари қўйнида суратга олинган фильм томошабинни ўйга толдиради, шу билан бирга дўстликнинг қадрига етиш, уни эъзозлашга чорлайди.

Юртимизда иқтидорли ёшлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Улар ҳар соҳада билимдон, изланувчан, энг асосийси — меҳнаткаш. Ёш ижодкор томонидан суратга олинган мазкур фильмни ҳам изланувчан ёшларимизнинг яна бир ютуғи сифатида талқин қилиш мумкин. Албатта, фильмда айрим воқеалар бўрттириб берилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Лекин нима бўлганда ҳам, яна битта бошқаларга ўхшамаган ва ўзга фильмларни такрорламаган ҳолда янги кино дунёга келди ва у томошабинларга манзур бўлмоқда. Бу эса кино санъатининг ютуғидир.

**Гулнигор САТТОРОВА**

# ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ САМАРАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилдан бошлаб барча турдаги корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини тўлиқ автоматлаштирадиган, ҳисоботларни электрон тарзда жўнатиш имконини берадиган илк миллий дастур – БЭМ (Бухгалтерга электрон мадад) дастури амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимиз қонунчилигига тўла мос келадиган, ўзбек ва рус тилларида бирдек ишлаш имконини берадиган бу дастур ҳисоботларнинг электрон тартибда топширилишини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

БЭМ дастури имкониятлари ҳозирги кунда барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларга кенг тушунтирилмоқда. Хусусан, пойтахтимиз туманларида БЭМ лойиҳаси вакиллари солиқ идоралари ходимлари билан ҳамкорликда туркум семинарлар ташкил этилаётир. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кўплаб тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

БЭМ дастурида барча турдаги ҳисобот ва ҳужжатлар автоматик тарзда архивлашиб боради. Унга ҳисобчилар томонидан ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятидаги кундалик ҳисоб-китоблар киритиб борилиши солиқ идораларига топшириладиган ҳисоботларни тайёрлашда қулайлик туғдиради, хатолар камаяди, аниқ маълумотлар базаси шаклланади. Ахборот базасида ҳужжатларнинг марказлаштирилган архивда сақланиши уларнинг атайин ёки тасодифий тарзда йўқ қилинишининг олдини олади. Дастур бош ҳисобчилар ишини қарийб икки баравар қисқартиради.

Тадбирда, деб хабар беради ЎзА, иштирокчиларга БЭМ дастурини жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича батафсил маълумот берилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

**Ушбу шиор остида пойтахтимизда ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

Тадбирда касб-ҳунар коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари иштирок этди. Республика ОИТС-га қарши кураш маркази, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати давомида ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИТС касаллигининг зарарли иллатлари ҳақида сўз борди.

Баҳс, мунозара тарзида ўтган тадбир доирасида «Ҳаётий воқеалар», «Надомат ва афсусланиш», «Ёдда тутиш ва англаш» деб номланган ижтимоий роликлар, фильмлар ва слайдлар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей ташаббуси билан ўтказилган «Биз, ёшлар, соғлом турмуш тарафдоримиз» мавзусидаги иншолар кўриги ва «Ёш рассомлар» танлови совриндорлари аниқланди.

**Акобир НОСИРХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси**

# ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА

**Пойтахтимизда ОИВ инфекцияси профилактикаси, замонавий диагностикаси ва даволашда янгича ёндашувларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ОИТСга қарши кураш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, тиббиёт муассасалари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Н.Отабеков ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиология муҳитини барқарорлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси қабул қилинди.

Ушбу йўналишда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилиши натижасида ОИТСга қарши курашнинг ва бу инфекцияни юқтирганларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мустаҳкам тизими шаклланди. ОИТСга қарши кураш марказларининг моддий-техник базаси тубдан такомиллашмоқда, диагностика ва даволаш жараёнида жаҳон тиббиётининг илғор усулларидан самарали фойдаланилаётир.

Касалликни даволашда антиретровирус терапия усули кенг татбиқ этилаётгани онадан болага вирус юқишининг олдини олиш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, беморларнинг умрини узайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизда қон хизмати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмлари тобора такомиллашаётир.

Жойларда ишонч кабинетлари ва дўстона маслаҳат хоналарининг ташкил этилгани ОИТС ва ОИВ инфекцияси профилактикасида юқори самара бермоқда. Бу борада давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат тузилмаларининг ҳам фаол иштирок этаётгани натижасида аҳолининг мазкур касалликлар ҳақидаги билим ва кўникмалари янада ошиб, тиббий кўрикка мурожаатлар сони кўпаймоқда.

Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили А.Нироди, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Таяд, ушбу ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси ОИВ/ОИТСга қарши кураш бўлими бошлиғи М.Доногой ва бошқалар Ўзбекистонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошиб бораётганини таъкидладилар. Юқумли касалликлар, жумладан, ОИТС профилактикаси, диагностикаси ҳамда уни даволашнинг самарали тизими жорий этилгани инсон саломатлиги ва манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилмоқда. Бу тадбирлар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётир.

Анжуманда, деб хабар беради ЎзА, ОИВ/ОИТС бўйича дунёдаги ва мамлакатимиздаги эпидемиологик ҳолат, юртимизда ушбу инфекция ва хасталикка қарши кураш тадбирлари бераётган самаралар ҳамда галдаги вазифалар, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш истиқболлари, лаборатория-таҳлил ишларини янада такомиллаштириш, профилактика ишларини ташкил этишда давлат, жамоат ташкилотлари ва тиббиёт муассасалари ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар муҳокама этилди.

**Баҳор ХИДИРОВА**

